

# **3000 ТА** **БУХГАЛТЕРИЯ** **ЎТКАЗМАСИ**

**ҲИСОБВАРАҚЛАР**  
**РЕЖАСИ БЎЙИЧА**  
**БОҒЛАНИШЛАР**

**1-жилд**

**3**

**«НОРМА МАСЛАҲАТЧИ»  
ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ**

**2011**

657  
17.05

**«НОРМА МАСЛАХАТЧИ»  
ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ**

**Ф. Г. ГУЛЯМОВА  
У. Т. ФАЙЗИЕВА**

**3000 та БУХГАЛТЕРИЯ ЎТКАЗМАСИ  
ҲИСОБВАРАҚЛАР РЕЖАСИ БЎЙИЧА  
БОҒЛАНИШЛАР**

**1-жилд**

9107210

**Тошкент — «NORMA» — 2011**

УДК: 657.2(076)  
ББК 65.052(5Ў)  
Г95

**Ф. Г. Гулямова, У. Т. Файзиёва**  
**Г95** 3000 та бухгалтерия ўтказмаси. Ҳисобварақлар режаси бўйича боғланишлар. 1-жилд. — Тошкент: «NORMA», 2011. — 288-бет. («Норма маслаҳатчи» газетаси кутубхонаси, 3-чиқарилиш).

ISBN 978–9943–21–018–9

Китоб бухгалтерия ҳисоби тизимини тартибга солувчи амалдаги меъёрий ҳужжатлар эътиборга олинган Ҳисобварақлар режаси асосидаги ҳўжалик операциялари нуқтаи назаридан асосий бухгалтерлик ўтказмаларини ўз ичига олган. Энг кўп учрайдиган ҳўжалик операцияларини ақс эттиришнинг батафсил чизмалари берилган, мазкур операциялар расмийлаштирилиши лозим бўлган бошланғич ҳўжатлар кўрсатилган.

Бухгалтерия ва молия хизматлари мутахассислари, аудиторлар, солиқ органлари ходимлари, олий ўқув юртларининг талабалари ва аспирантлари, коллежлар ўқувчилари учун мўлжалланган. Малакали бухгалтер ва аудитор сертификатларини олиш учун малака имтиҳонларини топширишга тайёргарлик кўришда фойдаланиш мумкин.

УДК 657.2(076)  
ББК 65.052(5Ў)

ISBN 978–9943–21–018–9

© «NORMA» нашриёти, 2011

## МУҚАДДИМА

Корхоналарда турли хил мулкчилик шакллари ва хўжалик вазиятлари вужудга келаётган замонавий шароитларда хўжалик юритувчи субъект фаолиятини бошқариш жараёнида ички ва ташқи фойдаланувчилар томонидан қўлланиладиган бухгалтерия ахборотининг ўрни, зарурати ва аҳамияти ортиб бормоқда. Ўз вақтида, асосланган ва тўлиқ ахборот олиш учун кўп сонли счётлардан фойдаланиш зарур, чунки турли фойдаланувчилар бухгалтердан турлича маълумотларни талаб қилади. Счётларда жамланадиган маълумот ҳам ички фойдаланувчилар, ҳам ташқи фойдаланувчиларнинг турли хил талабларига жавоб бериши лозим, чунки улар олинган маълумотнинг таҳлили асосида компаниянинг келажакдаги молиявий фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқарув қарорларини қабул қиладилар. Бухгалтер ушбу маълумотни олиш учун, бухгалтерия ҳисоби юритилишининг умумий услубиятини бузган ҳолда, кўп сонли счётлардан фойдаланиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» бухгалтерия ўтказмаларини тузиш бўйича бухгалтер ишини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур стандартга, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 12 ноябрда 1181-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 28 октябрдаги 122-сон буйруғига ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 25 майда 1181-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 28 апрелдаги 46-сон буйруғига мувофиқ, ўзгартишлар киритилган.

Ҳисобварақлар режасидаги ўзгартишлар бозор иқтисодиёти шароитларида корхона ва ташкилотларнинг бух-

галтерлик иши тажрибаларини умумлаштириш натижаси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги ўзгартишлар, янги бухгалтерлик ҳисоби стандартлари жорий қилиниши ёки мавжуд стандартларнинг, масалан, 6-сон БҲМС «Ижара ҳисоби», 7-сон БҲМС «Номоддий активлар»нинг янги таҳрири қабул қилиниши билан боғлиқдир.

Корхоналар тасдиқланган Ҳисобварақлар режасига асосан, ўз хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобига оид счётлар иш режасини ишлаб чиқиши ва уни ҳисоб сиёсати билан тасдиқлаши лозим. Корхонанинг счётлар иш режасида ишлаб чиқариш ва муомала жараёни технологияси ва таркибининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим.

Ҳисобварақлар режасига уни қўллаш бўйича Йўриқнома (2-сон илова) ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бўлиб, унда алоҳида счётлар бўйича асосий хўжалик операцияларининг рўйхати ва уларнинг ўзаро боғланиши (900 та ўтказма) келтирилган. Бироқ ушбу рўйхат корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган турли вазиятларни қамраб олмайди. Шунинг учун ушбу қўлланмада хўжалик вазиятлари рўйхати 900 тадан 3000 та ўтказмага қадар кенгайтирилган.

Мазкур китоб бухгалтерлик ҳисобида акс эттирилиши лозим бўлган амалга оширилувчи хўжалик фактлари (операциялари)ни тавсифлайди, яъни молиявий натижани белгилаш ва бухгалтерлик ҳисоботини тузиш учун мўлжалланган. Тез-тез қўлланиладиган хўжалик операциялари ажратиб кўрсатилган, уларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши бир счёт дебети ва бошқа счёт кредити бўйича ёзувлар билан ҳар бир операция тавсифи счётларнинг боғланиши орқали тақдим этилган. Шу орқали кўш ёзув ёрдамида хўжалик маблағлари, ташкилот мажбуриятларининг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш жараёнини акс эттиришнинг қандай амалга оширилиши кўрсатиб берилган.

Муаллифлар шунингдек ҳар бир хўжалик операцияси бўйича боғланишни, мазкур операция расмийлаштириладиган бошланғич ҳужжатларни кўрсатган ҳолда тавсифлашни мақсадга мувофиқ деб билдилар.

Бошланғич ҳужжатлар, шунингдек қоғоз ёки электрон ахборот ташувчилардаги ҳужжатлар бухгалтерлик ҳисобида

хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолияти яхлит ва узлуксиз акс эттирилишини таъминлайди. Бухгалтерия ҳисоб регистрларига раҳбарнинг оғзаки кўрсатмаси ёхуд ўз ихтиёри бўйича қайдлар киритилмаслиги лозим. У ҳужжат билан акс эттирилган ҳаракатларнигина ҳисобга олиш ҳуқуқига эга. Бинобарин, бошланғич ҳужжатлар счётлар боғланиши орқали амалга ошириладиган бухгалтерлик қайдлари тизимининг асоси ҳисобланади.

Маълумки, тегишли хўжалик операцияларини амалга оширадиган ходимлардан ҳужжатлар олиш бухгалтерия учун энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Улар зиммасига бухгалтерлик ҳисоби ва назорати учун зарур ҳужжатлар тузиш мажбурияти юклатилган. Шу тўғрисида ҳужжатларнинг сифатсиз расмийлаштирилиши, бухгалтерияга беришнинг кечиктирилиши, ҳужжатлардаги мавжуд маълумотларнинг асосланмаганлиги, шунингдек ноқонуний операцияларни акс эттирувчи ҳужжатлар тузилганлиги учун уларнинг жавобгарлиги кўзда тутилган бўлиши лозим.

Шундай қилиб, счётлар боғланиши ва бошланғич ҳужжатлар ўртасидаги алоқадорлик амалиётда бухгалтерлик ҳисоби сифатини ошириш мақсадида қайд этиб ўтилган.

Ушбу қўлланма бухгалтерлар учун фойдали бўлиши ва Ҳисобварақлар режасини янада яхшироқ ўзлаштириб олишда ёрдам беришига ишонч билдирамиз.

## I Б О Б

### БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲИСОБВАРАҚЛАР РЕЖАСИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш, бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юклатилган. Шубоис бухгалтерия ҳисоби услубияти ва ягона Ҳисобварақлар режасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан таъминланади.

Бухгалтерия хизматларининг амалий фаолиятида Ҳисобварақлар режаси биринчи даражали аҳамиятга эга.

Молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси молиявий ҳисобот элементларига мувофиқ гуруҳлаштирилган счётларнинг йиғиндиси, яъни: активлар, мажбуриятлар, капитал, даромадлар ва харажатларни ташкил этади.

Ҳисобварақлар режаси мулкчилик шакли ва фаолият соҳасидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ягона ва мажбурий ҳисобланади, бюджет ташкилотлари, суғурта компаниялари ва банклар бундан мустасно.

Бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси республикада бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизимининг иккинчи даражали ҳужжатлари таркибига киради ва у халқ хўжалиги турли тармоқларининг барча ташкилий-ҳуқуқий шаклларидаги корхоналар томонидан қўлланиши лозим бўлган счётларнинг тартибга солинган рўйхатидан иборат.

Ҳисобварақлар режасида бухгалтерия ҳисобига корхоналар иқтисодий ресурсларининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисида бухгалтерия маълумоти ҳамда уларга қўйиладиган талабларни қайд этиш ва сақлаш усули сифатида таъриф берилган.

Бухгалтерия ҳисобининг барча счётлари қуйидаги гуруҳларга ажратилган:

**Доимий счётлар** — ҳисобот даври охирига сальдога эга бўлиб, бухгалтерия балансида акс эттириладиган актив-

лар, мажбуриятлар ва капиталга оид счётлар. Доимий счётлар актив, пассив, контрактив ва контрпассив счётларга ажратилади.

**Актив счётлар (А)** — активларни акс эттиришга мўлжалланган бўлиб, унда иқтисодий захираларнинг қолдиғи ва кўпайиши счётнинг дебети, камайиши эса — кредити бўйича акс эттирилади.

**Пассив счётлар (П)** — мажбуриятлар ва капитални акс эттиришга мўлжалланган бўлиб, унда мажбуриятлар ҳамда капитал қолдиғи ва кўпайиши счётнинг кредити, камайиши эса — дебети бўйича акс эттирилади.

**Контрактив счётлар (КА)** — у билан боғлиқ бўлган актив счётнинг қолдиғидан чегириладиган қолдиқ молиявий ҳисоботда активнинг соф қийматини акс эттирувчи счётдир.

**Контрпассив счётлар (КП)** — у билан боғлиқ бўлган пассив счётнинг қолдиғидан чегириладиган қолдиқ молиявий ҳисоботда мажбурият ёки капиталнинг соф қийматини акс эттирувчи счётдир.

**Транзит счётлар (Т)** — ҳисобот даврида фойдаланиладиган, бироқ ёпиладиган Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган ҳисобот даври охирига қолдиққа эга бўлмайдиган, даромадлар ва харажатларни ҳисобга олувчи вақтинчалик счётлардир.

**Балансдан ташқари счётлар (БТ)** — бу корхонага тегишли бўлмаган, бироқ вақтинчалик унинг тасарруфида бўлган активларнинг, шартли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотни умумлаштиришга мўлжалланган счётлардир. Ушбу счётлар бошқа счётлар билан боғланмайди ва корхонанинг молиявий ҳисоботида акс эттирилмайди.

Счётларнинг Ҳисобварақлар режасида туркумланиши ва уларнинг кетма-кетлик билан жойланиши хўжалик вазиятларининг иқтисодий мазмунига асосланади ва хўжалик юритувчи субъект мол-мулки муомаласи чизмасидан келиб чиқади. Ушбу тамойилдан фойдаланиш бухгалтерия ҳисобининг қайси бир объектларига оид маълумотлар муайян бўлимнинг счётларида тизимлаштирилиши тўғрисидаги саволга жавоб бериш имкониятини яратади. Бунда счётлар гуруҳланишининг бошқа аҳамиятли бел-



гилари, хусусан, счётлар мақсади ва таркиби, улар ўрта-сидаги ўзаро боғланиш ва бошқалар зарур даражада инобатга олинади. Шунинг учун Ҳисобварақлар режаси Концептуал асосга мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун молиявий ҳисобот элементларини гуруҳлаш орқали қатъий тарзда тартибга келтирилган тизим ҳисобланади, яъни: авваламбор активларни ҳисобга олувчи счётлар, кейинчалик мажбуриятлар счётлари ва, ниҳоят, даромадлар ва харажатларни ҳисобга олувчи счётлар акс эттирилган. Счётларни юритиш ва уларнинг рақамланишини кўрсатиш қатъиян мажбурий эканлиги билан бир қаторда, жорий ҳисобда ушбу элементларни очувчи счётлардан фойдаланиш қатъий белгиланмаган.

Ҳисобварақлар режасидан фойдаланишда ягона услубий ёндашув бухгалтерия ҳисоби ташкил этилишининг аниқ тартибга солинишига ҳуқуқий замин яратади, ҳисобда акс эттиришни туркумлаш унинг юритилишини энгиллашти-ради, бухгалтерия ҳисоби бўлимларини автоматизациялаш тартибини соддалаштиради, счётлар ўзаро боғланишида хатолар сонини камайтириш имкониятини яратади.

Ҳисобварақлар режасига илова қилинган Йўриқномада келтирилган счётлар боғланишининг намунавий чизмаси ҳам юқорида келтирилган муаммоларнинг ечимини топишга ёрдам беради ва бухгалтерия ҳисоби тизимини автоматизациялаш дастури учун асос қилиб олинishi мумкинлигини қайд этиб ўтиш лозим. Бироқ хўжалик юритиш амалиётида шундай вазиятлар учрайдики, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш жараёнида ўзаро боғланадиган счётларни аниқ белгилаш етарли даражада мураккаб бўлади. Нотўғри тузилган бухгалтерия ўтказмаси корхона фаолияти кўрсаткичларининг аҳамиятли даражада ноаниқ акс эттирилишига ва муайян солиқлар бўйича солиқ солинадиган база нотўғри ҳисобланишига олиб келиши мумкин.

Счётларнинг ўзаро боғланишига оид намунавий чизмаларда акс эттирилмаган хўжалик фаолиятининг янги ҳолатлари вужудга келган тақдирда корхона уни тўлдиришга ҳақли, бироқ бунда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий услубий тамойилларига қатъий риоя қилиш асосий талаб бўлиб ҳисобланади.

21-сон БҲМСнинг 2-бандига асосан, молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг Ҳисобварақлар режасига асосан хўжалик юритувчи субъектлар Хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг счётлар ишчи режасини тузишлари ва у хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим. Шунинг учун корхонанинг бош бухгалтери счётлар ишчи режасини тузиш пайтида счётларнинг тасдиқланган гуруҳланишидан фойдаланган ҳолда таклиф этилган тизимга асосланиб ўзида қўлланиладиган счётлар тизимини мустақил равишда ишлаб чиқиши мумкин. Бунда бухгалтерия ҳисобининг счётлар ишчи режаси корхонада бухгалтерия ҳисобини юритиш учун лозим бўлган счётлардан иборат бўлиши, яъни счётларнинг ишчи режаси тасдиқланган Ҳисобварақлар режасига қараганда кўпроқ ёки камроқ счётларга эга бўлиши мумкин. Ишчи режадаги счётларнинг миқдори муайян корхона фаолиятининг хусусияти, ҳисобнинг у ёки бу бўлимига тааллуқли операцияларнинг турларига боғлиқ. Масалан, тасдиқланган Ҳисобварақлар режасида корхонанинг бюджет олдида солиқлар бўйича қарзини ҳисобга олиш учун 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти таклиф этилган.

Ишчи режада муайян корхона солиқ солишнинг қайси тизими бўйича иш юритишидан келиб чиққан ҳолда муайян счётларни акс эттириш тавсия этилади.

Солиқ солишнинг умумбелгиланган тизими бўйича ишловчи корхоналар учун қуйидаги счётлардан фойдаланиш лозим:

6410 «Фойда солиғи бўйича бюджетга тўловлар бўйича қарзлар»;

6411 «ҚҚС бўйича бюджетга тўловлар бўйича қарзлар»;

6412 «Акциз солиғи бўйича бюджетга тўловлар бўйича қарзлар»;

6413 «Мол-мулк солиғи бўйича бюджетга тўловлар бўйича қарзлар»;

6414 «Ер солиғи бўйича бюджетга тўловлар бўйича қарзлар»;

6415 «Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» ва ҳ.к.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизими бўйича ишловчи корхоналар учун қуйидаги счётлардан фойдаланилади:

6410 «Ягона солиқ тўлови (ЯСТ) бўйича бюджетга тўловлар бўйича қарзлар»;

6411 «Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» ва ҳ.к.

Асосий воситаларни оператив ижарага бериш пайтида объектга эгалик қилиш ҳуқуқи ижарага берувчидан ижарага олувчига ўтмайди, шу боис асосий воситалар ижарага берувчининг балансида қолади. Бироқ ижарага берилган асосий воситалар бўйича тезкор маълумотларга эга бўлиш учун асосий воситаларни ҳисобга олувчи тегишли счётлар бўйича оператив ижарага берилган асосий воситалар бўйича алоҳида счётлар очиш мумкин. Масалан, агар ускуна оператив ижарага берилган бўлса, 0131 «Оператив ижарага берилган ускуна» счётини очиш мумкин. Агарда ишлаб чиқариш зарурияти билан қандайдир асосий воситалар консервация қилинган бўлса, 0191 «Консервацияланган асосий воситалар» деб номланган махсус счёт очиш тавсия этилади.

Счётлар ишчи режасида нафақат амалиётда қўлланилаётган счётларнинг номланиши, балки кейинчалик лозим бўлган тақдирда янги очилиши мумкин бўлган счётлар юзасидан мезонлар ҳам қайд этилиши мақсадга мувофиқдир. Бу бухгалтерия ҳисобини хўжалик операциялари мақсадини акс эттирган ҳолда юритишни таъминловчи счётлар тизимини тузиш имкониятини яратади.

Счётлар ишчи режаси ва ҳисоб сиёсатининг бошқа элементларини ишлаб чиқиш пайтида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тузиш мақсадида ҳисоб маълумотини умумлаштирувчи мезонларга эга бўлган у ёки бу бўлимнинг бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш лозим.

Бухгалтерия ҳисоби счётлар ишчи режасини корхона ҳисоб сиёсатига алоҳида илова сифатида тасдиқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР  
МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ  
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ  
ҲИСОВВАРАҚЛАР РЕЖАСИ**

Счѐт- лар т/р	Счѐтлар номи	Счѐт- лар тури
<b>I ҚИСМ. УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР</b>		
<b>I БЎЛИМ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР, НОМОДДИЙ ВА БОШҚА УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР</b>		
<b>0100</b>	<b>АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	<b>A</b>
0110	Ер	
0111	Ерни ободонлаштириш	
0112	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш	
0120	Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар	
0130	Машина ва асбоб-ускуналар	
0140	Мебель ва офис жиҳозлари	
0150	Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси	
0160	Транспорт воситалари	
0170	Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар	
0180	Кўп йиллик ўсимликлар	
0190	Бошқа асосий воситалар	
0199	Консервация қилинган асосий воситалар	
<b>0200</b>	<b>АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ЭСКИРИ- ШИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	<b>КА</b>
0211	Ерни ободонлаштиришнинг эскириши	
0212	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши	
0220	Бино, иншоотлар ва узатувчи мосламаларнинг эскириши	
0230	Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши	

Счёт-лар т/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
0240	Мебель ва офис жиҳозларининг эскириши	
0250	Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши	
0260	Транспорт воситаларининг эскириши	
0270	Ишчи ҳайвонларнинг эскириши	
0280	Кўп йиллик ўсимликларнинг эскириши	
0290	Бошқа асосий воситаларнинг эскириши	
0299	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши	
<b>0300</b>	<b>УЗОҚ МУДДАТЛИ ИЖАРА ШАРТНОМАСИ БҮЙИЧА ОЛИНГАН АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР</b>	<b>A</b>
0310	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар	
<b>0400</b>	<b>НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР</b>	<b>A</b>
0410	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау	
0420	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари	
0430	Дастурий таъминот	
0440	Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқлари	
0450	Ташкилий харажатлар	
0460	Франчайз	
0470	Муаллифлик ҳуқуқлари	
0480	Гудвилл	
0490	Бошқа номоддий активлар	
<b>0500</b>	<b>НОМОДДИЙ АКТИВЛАР АМОРТИЗАЦИЯ-СИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР</b>	<b>КА</b>
0510	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хаунинг амортизацияси	

Счѐт-лар т/р	Счѐтлар номи	Счѐт-лар тури
0520	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг амортизацияси	
0530	Дастурий таъминотнинг амортизацияси	
0540	Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқларининг амортизацияси	
0550	Ташкилий харажатларнинг амортизацияси	
0560	Франчайзнинг амортизацияси	
0570	Муаллифлик ҳуқуқларининг амортизацияси	
0590	Бошқа номоддий активларнинг амортизацияси	
<b>0600</b>	<b>УЗОҚ МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	<b>A</b>
0610	Қимматли қоғозлар	
0620	Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар	
0630	Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар	
0640	Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар	
0690	Бошқа узоқ муддатли инвестициялар	
<b>0700</b>	<b>ЎРНАТИЛАДИГАН АСБОБ-УСКУНАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	<b>A</b>
0710	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — маҳаллий	
0720	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — хорижий	
<b>0800</b>	<b>КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	<b>A</b>
0810	Тугалланмаган қурилиш	
0820	Асосий воситаларни харид қилиш	
0830	Номоддий активларни харид қилиш	
0840	Асосий подани ташкил қилиш	
0850	Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар	
0860	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар	

Счёт-лар т/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
0890	Бошқа капитал қўйилмалар	
<b>0900</b>	<b>УЗОҚ МУДДАТЛИ ДЕБИТОР ҚАРЗЛАРИ ВА КЕЧИКТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
0910	Олинган векселлар	
0920	Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар	
0930	Ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари	
0940	Бошқа узоқ муддатли дебитор қарзлар	
0950	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи	
0960	Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар	
0990	Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар	
<b>II ҚИСМ. ЖОРИЙ АКТИВЛАР</b>		
<b>II БЎЛИМ. ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРИ</b>		
<b>1000</b>	<b>МАТЕРИАЛЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
1010	Хом ашё ва материаллар	
1020	Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар	
1030	Ёқилғилар	
1040	Эҳтиёт қисмлар	
1050	Қурилиш материаллари	
1060	Идиш ва идишбоп материаллар	
1070	Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар	
1080	Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари	
1090	Бошқа материаллар	
<b>1100</b>	<b>ЎСТИРИШДАГИ ВА БОҚУВДАГИ ҲАЙ-ВОНЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>

Счёт-лар т/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
1110	Ўстиришдаги ҳайвонлар	
1120	Бўрдоқидаги ҳайвонлар	
<b>1200</b>		
<b>1300</b>		
<b>1400</b>		
<b>1500</b>	<b>МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ХАРИД ҚИЛИШНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
1510	Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш	
<b>1600</b>	<b>МАТЕРИАЛЛАР ҚИЙМАТИДАГИ ФАРҚЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
1610	Материаллар қийматидаги фарқлар	
<b>1700</b>		
<b>1800</b>		
<b>1900</b>		
<b>2000</b>	<b>АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
2010	Асосий ишлаб чиқариш	
<b>2100</b>	<b>ЎЗИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЯРИМ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
2110	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар	
<b>2200</b>		
<b>2300</b>	<b>ЁРДАМЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
2310	Ёрдамчи ишлаб чиқариш	
<b>2400</b>		
<b>2500</b>	<b>УМУМИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
2510	Умумишлаб чиқариш харажатлари	



Счёт-лар т/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
<b>2600</b>	<b>ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ЯРОҚСИЗ МАҲСУЛОТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
2610	Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар	
<b>2700</b>	<b>ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ХЎЖАЛИКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
2710	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар	
<b>2800</b>	<b>ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
2810	Омбордаги тайёр маҳсулотлар	
2820	Кўрғазмадаги тайёр маҳсулотлар	
2830	Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар	
<b>2900</b>	<b>ТОВАРЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
2910	Омбордаги товарлар	
2920	Чакана савдодаги товарлар	
2930	Кўрғазмадаги товарлар	
2940	Прокатдаги буюмлар	
2950	Товарлар билан банд ва бўш идишлар	
2960	Комиссияга берилган товарлар	
2970	Йўлдаги товарлар	
2980	Савдо устамаси	<b>КА</b>
2990	Бошқа товарлар	
<b>III БЎЛИМ. КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ВА КЕЧИКТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР – ЖОРИЙ ҚИСМИ</b>		
<b>3000</b>		
<b>3100</b>	<b>КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
3110	Олдиндан тўланган ижара ҳақи	
3120	Олдиндан тўланган хизмат ҳақи	

Счёт-лар т/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
3190	Бошқа келгуси давр харажатлари	
<b>3200</b>	<b>КЕЧИКТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
3210	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойла) солиғи	
3220	Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар	
3290	Бошқа кечиктирилган харажатлар	
<b>3300</b>		
<b>3400</b>		
<b>3500</b>		
<b>3600</b>		
<b>3700</b>		
<b>3800</b>		
<b>3900</b>		
<b>IV БЎЛИМ. ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР — ЖОРИЙ ҚИСМИ</b>		
<b>4000</b>	<b>ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
4010	Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар	
4020	Олинган векселлар	
<b>4100</b>	<b>АЖРАТИЛГАН БЎЛИНМАЛАР, ШУЪБА ВА ҚАРАМ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
4110	Ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар	
4120	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар	
<b>4200</b>	<b>ХОДИМЛАРГА БЕРИЛГАН БЎНАКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
4210	Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнақлар	
4220	Хизмат сафарларига берилган бўнақлар	

9/10 7210

Счёт-лар т/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
4230	Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар	
4290	Ходимларга берилган бошқа бўнақлар	
<b>4300</b>	<b>МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА БЕРИЛГАН БУНАҚЛАРНИ ХИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
4310	ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар	
4320	Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар	
4330	Бошқа берилган бўнақлар	
<b>4400</b>	<b>БЮДЖЕТГА БУНАҚ ТЎЛОВЛАРИНИ ХИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
4410	Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)	
<b>4500</b>	<b>МАҚСАДЛИ ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАЛАРИГА ВА СУҒУРТАЛАР БУЙИЧА БУНАҚ ТЎЛОВЛАРИНИ ХИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
4510	Суғурталар бўйича бўнақ тўловлари	
4520	Мақсадли давлат жамғармаларига бўнақ тўловлари	
<b>4600</b>	<b>УСТАВ КАПИТАЛИГА ТАЪСИСЧИЛАРНИНГ УЛУШЛАРИ БУЙИЧА ҚАРЗИНИ ХИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
4610	Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи	
<b>4700</b>	<b>ХОДИМЛАРНИНГ БОШҚА ОПЕРАЦИЯЛАР БУЙИЧА ҚАРЗИНИ ХИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
4710	Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи	
4720	Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи	
4730	Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи	
4790	Ходимларнинг бошқа қарзлари	

Счёт-лар т/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
<b>4800</b>	<b>ТУРЛИ ДЕБИТОРЛАР ҚАРЗЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР</b>	<b>А</b>
4810	Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар	
4820	Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар	
4830	Олинадиган фоизлар	
4840	Олинадиган дивидендлар	
4850	Олинадиган роялти	
4860	Даъволар бўйича олинадиган счётлар	
4890	Бошқа дебиторлар қарзлари	
<b>4900</b>	<b>ДАРГУМОН ҚАРЗЛАР БЇЙИЧА РЕЗЕРВНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР</b>	<b>КА</b>
4910	Даргумон қарзлар бўйича резерв	
<b>V БЇЛИМ. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ, ҚИСҚА МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА БОШҚА ЖОРИЙ АКТИВЛАР</b>		
<b>5000</b>	<b>КАССАДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР</b>	<b>А</b>
5010	Миллий валютадаги пул маблағлари	
5020	Чет эл валютасидаги пул маблағлари	
<b>5100</b>	<b>ҲИСОБ-КИТОБ СЇЁТИДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР</b>	<b>А</b>
5110	Ҳисоб-китоб сѐти	
<b>5200</b>	<b>ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР</b>	<b>А</b>
5210	Мамлакат ичидаги валюта сѐтлари	
5220	Чет элдаги валюта сѐтлари	
<b>5300</b>		
<b>5400</b>		
<b>5500</b>	<b>БАНКДАГИ МАХСУС СЇЁТЛАРДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР</b>	<b>А</b>

Счёт-лар т/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
5510	Аккредитивлар	
5520	Чек дафтарчалари	
5530	Бошқа махсус счётлар	
<b>5600</b>	<b>ПУЛ ЭКВИВАЛЕНТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
5610	Пул эквивалентлари (турлари бўйича)	
<b>5700</b>	<b>ЙЎЛДАГИ ПУЛ МАБЛАҒ (ЎТКАЗМА)-ЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
5710	Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)лари	
<b>5800</b>	<b>ҚИСКА МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
5810	Қимматли қоғозлар	
5820	Берилган қисқа муддатли қарзлар	
5890	Бошқа жорий инвестициялар	
<b>5900</b>	<b>КАМОМАДЛАР ВА ҚИЙМАТЛИКЛАРНИНГ БУЗИЛИШИДАН ЙЎҚОТИШЛАР ВА БОШҚА ЖОРИЙ АКТИВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
5910	Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар	
5920	Бошқа жорий активлар	
<b>III ҚИСМ. МАЖБУРИЯТЛАР</b>		
<b>VI БЎЛИМ. ЖОРИЙ МАЖБУРИЯТЛАР</b>		
<b>6000</b>	<b>МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА ТЎЛАНДИГАН СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
6010	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар	
6020	Берилган векселлар	
<b>6100</b>	<b>АЖРАТИЛГАН БЎЛИНМАЛАР, ШУЪБА ВА ҚАРАМ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА ТЎЛАНДИГАН СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
6110	Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар	

Счѐт-лар т/р	Счѐтлар номи	Счѐт-лар тури
6120	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счѐтлар	
<b>6200</b>	<b>КЕЧИКТИРИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	<b>П</b>
6210	Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар	
6220	Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар	
6230	Бошқа кечиктирилган даромадлар	
6240	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар	
6250	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар	
6290	Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар	
<b>6300</b>	<b>ОЛИНГАН БЎНАКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	<b>П</b>
6310	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	
6320	Акцияга обуначилардан олинган бўнаклар	
6390	Бошқа олинган бўнаклар	
<b>6400</b>	<b>БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	<b>П</b>
6410	Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)	
<b>6500</b>	<b>СУҒУРТА ВА МАҚСАДЛИ ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАЛАРИГА ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	<b>П</b>
6510	Суғурта бўйича тўловлар	
6520	Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар	
<b>6600</b>	<b>ТАЪСИСЧИЛАРГА БЎЛГАН ҚАРЗНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	<b>П</b>
6610	Тўланадиган дивидендлар	
6620	Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз	

Счёт-лар т/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
6700	<b>МЕХНАТ ҲАҚИ БЎЙИЧА ХОДИМ БИЛАН ҲИСОБЛАШИШЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР</b>	II
6710	Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар	
6720	Депонентланган иш ҳақи	
6800	<b>ҚИСКА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР ВА ҚАРЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР</b>	II
6810	Қисқа муддатли банк кредитлари	
6820	Қисқа муддатли қарзлар	
6830	Тўланадиган облигациялар	
6840	Тўланадиган векселлар	
6900	<b>ТУРЛИ КРЕДИТОРЛАРГА БЎЛГАН ҚАРЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЇЁТЛАР</b>	II
6910	Тўланадиган қисқа муддатли ижара	
6920	Ҳисобланган фоизлар	
6930	Роялти бўйича қарз	
6940	Кафолатлар бўйича қарз	
6950	Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми	
6960	Даъволар бўйича тўланадиган сётлар	
6970	Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз	
6990	Бошқа мажбуриятлар	
<b>VII БЎЛИМ. УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАР</b>		
7000	<b>МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА ТЎЛАНДИГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ СЇЁТЛАР</b>	II
7010	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган сётлар	
7020	Берилган векселлар	
7100	<b>АЖРАТИЛГАН БЎЛИНМАЛАР, ШУЪБА ВА ҚАРАМ ХУЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА БЎЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАРЗ</b>	II

Счёт-лар т/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
7110	Ажратилган бўлинмаларга бўлган узоқ муддатли қарз	
7120	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарз	
<b>7200</b>	<b>КЕЧИКТИРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
7210	Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар	
7220	Мукофот (устама)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар	
7230	Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар	
7240	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар	
7250	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар	
7290	Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар	
<b>7300</b>	<b>ХАРИДОРЛАР ВА БУЮРТМАЧИЛАРДАН ОЛИНГАН БУНАКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
7310	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	
<b>7400</b>		
<b>7500</b>		
<b>7600</b>		
<b>7700</b>		
<b>7800</b>	<b>УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР ВА ҚАРЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
7810	Узоқ муддатли банк кредитлари	
7820	Узоқ муддатли қарзлар	
7830	Тўланадиган облигациялар	



Счёт-лар т/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
7840	Тўланадиган векселлар	
<b>7900</b>	<b>ТУРЛИ КРЕДИТОРЛАРГА БЎЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАРЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
7910	Тўланадиган узоқ муддатли ижара	
7920	Турли кредиторларга бўлган бошқа узоқ муддатли қарзлар	
<b>IV ҚИСМ. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ</b>		
<b>VIII БЎЛИМ. КАПИТАЛ, ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА ВА РЕЗЕРВЛАР</b>		
<b>8000</b>		
<b>8100</b>		
<b>8200</b>		
<b>8300</b>	<b>УСТАВ КАПИТАЛИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
8310	Оддий акциялар	
8320	Имтиёзли акциялар	
8330	Пай ва улушлар	
<b>8400</b>	<b>ҚЎШИЛГАН КАПИТАЛНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
8410	Эмиссия даромади	
8420	Устав капитални шакллантиришдаги курс фарқи	
<b>8500</b>	<b>РЕЗЕРВ КАПИТАЛИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
8510	Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар	
8520	Резерв капиталли	
8530	Текинга олинган мулк	
<b>8600</b>	<b>СОТИБ ОЛИНГАН ХУСУСИЙ АКЦИЯЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>КП</b>
8610	Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий	

Счѐт-лар т/р	Счѐтлар номи	Счѐт-лар тури
8620	Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиѐзли	
<b>8700</b>	<b>ТАКСИМЛАНМАГАН ФОЙДА (ҚОПЛАН-МАГАН ЗАРАР)НИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	
8710	Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)	
8720	Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)	
<b>8800</b>	<b>МАҚСАДЛИ ТУШУМЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	
8810	Грантлар	
8820	Субсидиялар	
8830	Аъзолик бадаллари	
8840	Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиѐзлари	
8890	Бошқа мақсадли тушумлар	
<b>8900</b>	<b>КЕЛГУСИ ХАРАЖАТЛАР ВА ТўЛОВЛАР РЕЗЕРВЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	
8910	Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари	
<b>V ҚИСМ. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ИШЛАТИЛИШИ</b>		
<b>IX БўЛИМ. ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР</b>		
<b>9000</b>	<b>АСОСИЙ (ОПЕРАЦИОН) ФАОЛИЯТНИНГ ДАРОМАДЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	<b>T</b>
9010	Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар	
9020	Товарларни сотишдан даромадлар	
9030	Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар	
9040	Сотилган товарларнинг қайтиши	
9050	Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар	

Счѐт-лар т/р	Счѐтлар номи	Счѐт-лар тури
<b>9100</b>	<b>СОТИЛГАН МАҲСУЛОТ (ТОВАР, ИШ, ХИЗМАТ)ЛАРНИНГ ТАННАРХИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	<b>Т</b>
9110	Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи	
9120	Сотилган товарларнинг таннархи	
9130	Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи	
9140	Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш/харид қилиш	
9150	Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар	
<b>9200</b>	<b>АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА БОШҚА АКТИВЛАРНИНГ ЧИҚИБ КЕТИШИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	<b>Т</b>
9210	Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши	
9220	Бошқа активларнинг чиқиб кетиши	
<b>9300</b>	<b>АСОСИЙ ФАОЛИЯТНИНГ БОШҚА ДАРОМАДЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	<b>Т</b>
9310	Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда	
9320	Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда	
9330	Ундирилган жарима, пеня ва устамалар	
9340	Ўтган йиллар фойдалари	
9350	Қисқа муддатли ижарадан даромадлар	
9360	Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар	
9370	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари	
9380	Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам	
9390	Бошқа операцион даромадлар	
<b>9400</b>	<b>ДАВР ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	<b>Т</b>
9410	Сотиш харажатлари	

Счѐт-лар т/р	Счѐтлар номи	Счѐт-лар тури
9420	Маъмурий харажатлар	
9430	Бошқа операцион харажатлар	
9440	Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари	
<b>9500</b>	<b>МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ ДАРОМАДЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	<b>Т</b>
9510	Роялти кўринишидаги даромадлар	
9520	Дивидендлар кўринишидаги даромадлар	
9530	Фоизлар кўринишидаги даромадлар	
9540	Валюталар курслари фарқидан даромадлар	
9550	Узоқ муддатли ижарадан даромадлар	
9560	Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар	
9590	Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	
<b>9600</b>	<b>МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	<b>Т</b>
9610	Фоизлар кўринишидаги харажатлар	
9620	Валюталар курслари фарқидан зарарлар	
9630	Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар	
9690	Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	
<b>9700</b>	<b>ФАВКУЛОДДАГИ ФОЙДА (ЗАРАР)ЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	<b>Т</b>
9710	Фавкуллоддаги фойдалар	
9720	Фавкуллоддаги зарарлар	
<b>9800</b>	<b>СОЛИҚЛАР ВА ЙИФИМЛАРНИ ТЎЛАШ УЧУН ФОЙДАНИНГ ИШЛАТИЛИШINI ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧѐТЛАР</b>	<b>Т</b>
9810	Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар	
9820	Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар	

Счёт-лар т/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
9900	<b>ЯКУНИЙ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	
9910	Якуний молиявий натижа	
<b>VI ҚИСМ. БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ СЧЁТЛАР</b>		
001	Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар	БТ
002	Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар	БТ
003	Қайта ишловга қабул қилинган материаллар	БТ
004	Комиссияга қабул қилинган товарлар	БТ
005	Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар	БТ
006	Қатъий ҳисобот варақлари	БТ
007	Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи	БТ
008	Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — олинган	БТ
009	Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — берилган	БТ
010	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар	БТ
011	Ссуда шартномаси бўйича олинган мулк	БТ
012	Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар	БТ
013	Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)	БТ
014	Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари	БТ

## И Б О Б СЧЁТЛАРНИНГ БОҒЛАНИШИ

### I ҚИСМ. УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР

#### I БЎЛИМ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР, НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ВА БОШҚА УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР

Ҳисобварақлар режасининг биринчи қисмида барча узоқ муддатли активларни, яъни бир неча ҳисобот даври мобайнида фойдаланиладиган мол-мулкни ҳисобга олувчи ҳамма счётлар жамланган. Барча узоқ муддатли активлар уларнинг турлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг алоҳида счётларида тақдим этилган.

Ушбу бўлимнинг счётлари қуйидагилар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган:

— мулкчилик ҳуқуқида корхонага тегишли бўлган ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг мавжудлиги, ҳаракати ва эскириши;

— мулкчилик ҳуқуқида корхонага тегишли бўлган номоддий активларнинг мавжудлиги, ҳаракати ва эскириши;

— қимматли қоғозларга, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига, чет эл капитали мавжуд бўлган ва бошқаларга қилинган узоқ муддатли инвестициялар;

— маҳаллий ва хориждан келтирилган ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги ва ҳаракати;

— барча турдаги капитал қўйилмалар;

— олинган векселлар бўйича ҳисоб-китобларнинг узоқ муддатли қисми, молиявий ижара бўйича олинладиган счётлар, ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари, бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари, вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиқлари, узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар.

Ҳисобварақлар режасида узоқ муддатли дебиторлик қарзи ва келгуси даврларнинг узоқ муддатли харажатларини ҳисобга олувчи алоҳида счётлар назарда тутилганлиги бухгалтерия ҳисобида дебиторлик қарзлари ва келгуси давр харажатларини халқаро стандартлар талабларига мувофиқ жорий ва узоқ муддатлиларга аниқ ажратиш ва акс эттириш имкониятини беради.

Асосий воситалар ва улар бўйича эскиришни ҳисоблаш услубияти ва молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар бухгалтерия ҳисобининг тартиби қуйидаги меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади:

— Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сон БҲМС) «Асосий воситалар» (молия вазирининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сон буйруғи билан тасдиқланган, ЎЗР АВ томонидан 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

— Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сон БҲМС) «Ижара ҳисоби» (молия вазирининг 2009 йил 16 апрелдаги 41-сон буйруғи билан тасдиқланган, ЎЗР АВ томонидан 2009 йил 24 апрелда 1946-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

— 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида низом (Мақроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг 4-сон, МВнинг 129-сон, ДСҚнинг 2002–86-сон қарори билан 2002 йил 29 октябрда тасдиқланган, ЎЗР АВ томонидан 2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

— Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида низом (молия вазирининг 2004 йил 16 августдаги 101-сон буйруғи билан тасдиқланган, ЎЗР АВ томонидан 2004 йил 29 августда 1401-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

— Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомати ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги низом (2004 йил 10 мартдаги МВнинг 37-сон, ДСҚнинг 2004–26-сон ва МАИМКВнинг 20/1-сон қарори билан тасдиқланган, ЎЗР АВ томонидан 2004 йил 6 апрелда 1334-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

— Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом (ЎЗР ВМнинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарорига илова);

— Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом (молия вазирининг 2009 йил 11 майдаги 54-сон буйруғи билан тасдиқлан-

ган, ЎзР АВ томонидан 2009 йил 1 июнда 1961-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ва бошқалар.

**Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётларнинг (0100)  
боғланиши**

Мулкчилик ҳуқуқида корхонага тегишли бўлган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати, фойдаланилаётган, консервация қилинган ёки оператив ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

0110 «Ер»;

0111 «Ерни ободонлаштириш»;

0112 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш»;

0120 «Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар»;

0130 «Машина ва асбоб-ускуналар»;

0140 «Мебель ва офис жиҳозлари»;

0150 «Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси»;

0160 «Транспорт воситалари»;

0170 «Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар»;

0180 «Кўп йиллик ўсимликлар»;

0190 «Бошқа асосий воситалар»;

0199 «Консервация қилинган асосий воситалар».

Мол-мулкни асосий воситалар таркибига киритиш тартиби 5-сон БҲМС «Асосий воситалар»га мувофиқ хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилади.

Таҳлилий ҳисоб тузилиши республика ҳудудида ва хориждаги асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисида маълумотлар олиш имкониятини таъминлаши лозим.

Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётларнинг дeбeти бўйича уларнинг қирим қилиниши 0810 «Тугалланмаган қурилиш», 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш», 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи», 8530 «Текинга олинган мулк» ва бошқа счётларнинг кредити билан боғланган ҳолда акс эттирилади.



Асосий воситалар объектларини тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, молиявий ижара шартномасига кўра бериш, камомад ёки йўқотилиши натижасида ҳисобдан чиқаришда бошлангич қиймати тегишли асосий воситаларни ҳисобга олувчи сўтларнинг (0100) кредитдан 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» сўтининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Т/р	Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Боғланувчи сўтлар		Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Асосий воситалар объектларининг ички ҳаракати акс эттирилган	0100-0190	0110-0190	Асосий воситаларнинг ички ҳаракати бўйича юкхатлар
2	Ускуна ижарага берувчи томонидан оператив ижарага берилган (ижарага берувчидаги ёзув)	0131	0130	Жорий ижарага бериш бўйича юкхатлар
3	Оператив ижарага берилган асосий воситалар ижарага берувчига қайтарилган (ижарага берувчидаги ёзув)	0130	0131	Жорий ижарадан қайтариш бўйича юкхатлар
4	Қурилиши тугалланган ва фойдаланишга топширилган объектлар асосий воситалар таркибига киритилган (инвентарь қиймати бўйича)	0110-0190	0810	Асосий воситаларни фойдаланишга қабул қилиш-топшириш далолатномаси, инвентарь карточкалар
5	Инвентарь ва жиҳозларнинг асосий воситалар туркумига ўтказилиши акс эттирилган	0110-0190	1080	Ички ҳаракат бўйича юкхатлар
6	Асосий воситалар ўз бўлимларидан келиб тушган	0110-0190	6110	Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш бўйича шартнома, асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
7	Асосий воситалар ҳақиқий таннархи бўйича харид қилинган (бошлангич қиймати)	0110-0190	0820	Етказиб бериш шартномаси, товар-транспорт юкхати, ҳисоб-

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Боғланувчи счётлар		Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
				варақ-фактура, асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
8	Молиявий ижара шартномаси тугагандан сўнг, молиявий ижара шартномаси бўйича олинган объектлар асосий воситалар таркибига киритилган	0110-0190	0310	Лизинг шартномаси, асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
9	Хўжалик ёки пудрат усули билан амалга оширилган қурилиш натижасида фойдаланишга топширилган ва асосий воситалар таркибига киритиладиган вақтинчалик (титул) бино ва иншоотларнинг ҳақиқий таннархи акс эттирилган	0110-0190	0810	Лойиҳа-смета ҳужжатлари, қурилиши тугалланган объектларни қабул қилиш далолатномаси, асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
10	Устав капиталига таъсисчилар томонидан улуш (пайлар) сифатида берилган асосий воситалар балансга ҳисобга киритилган	0110-0190	4610	Таъсис шартномаси, асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
11	Давлат ҳокимияти органи томонидан бириктирилган мулк таркибига асосий воситалар унитар корхона томонидан олинган	0110-0190	8330	Устав, таъсис шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси
12	Акциялар ҳақини тўлаш ҳисобига келиб тушган асосий воситалар балансга ҳисобга киритилган	0110-0190	4610	Қимматли қозғаларга обуна, асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
13	Асосий воситалар текинга келиб тушган	0110-0190	8530	Ҳаля шартномаси, асосий воситалар текинга берилиши тўғрисида буйруқ ёки қарор, асосий воситаларни

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Боғланувчи счётлар		Ўзувлари тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
			8530	қабул қилиш-топшириш далолатномаси
14	Асосий воситалар таркибига ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар киритилган	0170	0840	Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонларни асосий воситалар таркибига киритиш тўғрисида далолатнома
15	Қуриб битказиш, қўшимча жиҳозлаш, замонавийлаштириш, реконструкциялаш ҳамда бошқа ажратиладиган ва ажралмас сифат жиҳатдан яхшиланиши муносабати билан асосий воситаларнинг бошланғич қиймати қўшимча баҳоланган	0110-0190	0890	Лойиҳа-смета ҳужжатлари, асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
16	Ерни ободонлаштириш билан боғлиқ харажатлар асосий воситалар таркибига киритилган	0111	0810	Лойиҳа-смета ҳужжатлари, асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
17	Ижарага берувчи томондан оператив ижара бўйича ижарага олинган асосий воситалар юзасидан ижарага олувчи томондан амалга оширилган капитал қўйилмалар суммасига асосий воситалар қўшимча баҳоланган	0111-0190	8530	Оператив ижара шартномаси, асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
18	Хусусийлаштирилган корхонанинг асосий воситалар объектлари ҳисобга қабул қилинган	0110-0190	8310-8330	Олди-сотди шартномаси, ҳисобварақ-фактура, ТТЮ, асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
19	Қайта баҳолаш натижасида асосий воситаларнинг қўшимча баҳоланиши суммалари акс эттирилган	0110-0190	8510	Қайта баҳолашнинг ўтказиш тўғрисида буйруқ, қўшимча баҳолаш ҳисоб-китоби

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Боғлаувчи счётлар		Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
20	Инвентарлаш жараёнида аниқланган, ҳисобга олинмаган асосий воситалар объектлари бозор нархларида кирим қилинган	0110-0190	9390	Асосий воситаларни инвентарлаш натижалари бўйича солиштирма қайднома, инвентарлаш натижаларини ҳисобга олиш қайдномаси, раҳбар буйруғи
21	Мақсадли фойдаланиш учун олинган асосий воситалар кирим қилинган	0110-0190	8810-8890	Асосий воситаларни мақсадли фойдаланиш учун бериш шартномаси, асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси
22	Капитал қўйилмаларни асосий воситалар таркибига ўтказиш пайтида молиявий ижара шартномасига мувофиқ олинган асосий воситалар яхшиланиши учун қилинган сарф-харажатлар суммаси акс эттирилган	0112	0860	Молиявий ижара шартномаси, асосий воситалар молиявий ижарага олинганлиги тўғрисида далолатнома
23	Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ободонлаштирилганлиги қайта баҳолаш натижасида уларнинг баланс қиймати оширилган (қўшимча баҳоланган)	0112	8510	Молиявий ижара шартномаси, қайта баҳолашни ўтказиш тўғрисидаги раҳбар буйруғи
24	Тўлиқ эскирганлиги ва кейинчалик фойдаланиш учун яроқсизлиги сабабли тугатилиши муносабати билан асосий воситаларнинг чиқиб кетиши акс эттирилган:			Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши тўғрисида далолатнома (АВ-4 шакли), тугатилиши муносабати билан асосий воситаларнинг
	а) асосий воситаларнинг бошланғич қийматига	9210	0110-0190	

